2012 ЙИЛ 18 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (12.159)

Баҳоси эркин нархда

Тошкент ахборот технологиялари университетида 16 май куни анъанавий «BestSoft – Uzbekistan – 2012» миллий дастурий маҳсулотлар кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқа бир қатор ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ НАМОЙИШИ

Форумда халқаро ва мамлакатимиз ахборот технологиялари компаниялари — дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва интеграторлар, контент-ишлаб чиқувчилар, провайдерлар, илмий ва таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар, шунингдек, қатор етакчи хорижий компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жамиятимизда ахборот маконини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўргазмани ўтказиш санаси бежиз танлангани йўқ. Негаки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилда 17 майни Халқаро ахборот жамияти куни деб эълон қилди. Шу нуқтаи назардан ўтказилаётган тадбирлар – Миллий дастурчилар форуми ва «BestSoft – Uzbekistan – 2012» миллий кўргазмаси Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро ташаббусга қўшаётган ўзига хос ҳиссасидир.

Бугун мамлакатимизда дастурий маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи 200 дан зиёд субъект фаолият кўрсатмоқда. Бу галги кўргазмада Ўзбекистон софтвер саноатининг энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалари намойиш этилмоқда. Унда сўнгги йилларда дастурий таъминот бозорини ривожлантириш соҳасида салмоқли ютуқларга эришган қарийб 60 та компания экспонентлар сифатида қатнашмоқда. Ўзбекистоннинг ўз ишланмаларига эга кўплаб компаниялари дастурий маҳсулотларни яратиш ва тарқатиш соҳасида дунёда етакчи компаниялар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатимизда яратилган қатор ишланмалар хорижий бозорлар, жумладан, Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида ёш дастурчилар тайёрланмоқда. Шу мақсадда ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ихтисослашган марказ ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган анъанавий «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида оила институтини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутмоқда, улар учун муносиб турмуш шароитлари яратиб берилмоқда. Ҳар йили юзлаб ҳарбий хизматчиларнинг оилалари янги, замонавий уйларга кўчиб ўтмоқда, улар учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилмоқда.

Халқаро оила куни муносабати билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови ҳарбий хизматчилар оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаат ва интилишларини ўрганиш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, миллий қадриятлар ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Жорий йилда ўтказилган танловнинг якуний босқичида тўққиз оила – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округлари ва қисмлари, олий таълим муассасалари даражасида бўлиб ўтган босқичлар ғолиблари иштирок этди.

– Ҳарбий хизматчилар оилалари кўрик-танловнинг барча шартлари бўйича юқори даражада тайёргарликка эга эканини намойиш қилди, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакили Наргиза Раимова. – Саломлашиш, оилавий муаммолар ва уларни ҳал этишга бағишланган театрлаштирилган чиқишлар, ижтимоий-сиёсий савол-жавобларда катталар қатори болалар ҳам фаол иштирок этди. Тадбир иштирокчи оилаларда нафақат ўзаро тотувлик, тартиб-интизом, талабчанлик ва масъулият, балки санъат ва спортга муҳаббат туйғуси ҳам кучли эканини яққол намоён этди.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, алоҳида номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Биринчи ўрин Шарқий ҳарбий округ вакили капитан Муҳаммадисмоил Маматов оиласига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринни Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округдан сержант Анваржон Қодиров оиласи ҳамда Марказий ҳарбий округдан шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Ҳусниддин Холиқов оиласи эгаллади.

– Биз давлатимиз раҳбарига ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига яратиб берилган шарт-шароитлар учун самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз, – дейди ЎзА мухбирига кўрик-танлов ғолиби, капитан М.Маматов. – «Намунали ҳарбий оила» танловида биринчи ўринни эгаллаганимиздан ғоят хурсандмиз. Мен, турмуш ўртоғим Муножатхон, уч ўғлим учун энг муҳими ғалаба эмас, балки танловда муносиб иштирок этишдир. Зеро, бу тадбир туфайли биз миллий қадриятларимиз ва соғлом турмуш тарзининг оммалашишига ўз ҳиссамизни қўшдик, оила қўрғонининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этдик.

Сардор ТОЖИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН: БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ГАНЖИНАСИ»

Брюсселда намойиш этилган кўргазма ана шу мавзуга бағишланди

Европа Комиссиясининг Брюсселдаги биносида Ўзбекистон Бадиий академияси ва мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган «Ўзбекистон: Буюк Ипак йўлининг ганжинаси» мавзуидаги суратлар кўргазмаси намойиш этилди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Европа Комиссияси, Европа Парламенти, Европа Ташқи ҳаракатлар хизмати, Европа Иттифоқи Кенгаши сингари институтлар, Бенилюкс мамлакатларининг сиёсий, ишбилармон, ахборот-таҳлил ва жамоатчилик доиралари, Бельгияда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Р.Шагаев, Т.Қўзиев, Р.Шарипов, В.Гончаренко, В.Жиров, А.Илёсов каби таниқли ўзбекистонлик суратчаларнинг ижод намуналари ушбу кўргазмадан жой олди.

Маросимда сўзга чиққан **Тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Европа ҳамжамиятлари Комиссияси бош директоратининг Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича директорати раҳбари Дирк Меганк** ушбу суратлар кўргазмаси орқали европаликлар ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари азим ва гўзалликда бетакрор шаҳарлари билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имкониятга эга бўлганликларини қайд этди.

Д.Меганк ушбу тадбирда ўзбек маданиятининг гўзаллиги ва ранг-баранглигидан самимий ва меҳмондўст халқимизни ўз кўзи билан кўргандек бой таассурот олганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси тадбир иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, қадим Буюк Ипак йўли шарофати билан давлатлар, жумладан Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар ривожланиб борганини айтиб ўтди. Тарихдан маълумки, бугунги Ўзбекистон ҳудуди эса ўша замонларда ўзига хос маданий, савдо-иқтисодий чорраҳа сифатида хизмат қилган. Шу кунларда ўтказилаётган мазкур суратлар кўргазмаси кўҳна Буюк Ипак йўли анъаналари ҳали-ҳамон сақланиб қолаётганидан ҳамда у Шарқ ва Ғарб ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўташда давом этаётганидан гувоҳлик беришини тасдиқлайди.

Европа Комиссиясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мувофиқлаштириш бўлими раҳбари Жан-Клод Бодэн Ўзбекистон тараққиётининг тарихий жиҳатларига тўхталар экан, ўлкамизнинг нечанеча асрлардан буён ўз маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналари, илм-фани, меъморий обидалари билан машҳур эканлигини қайд этди. «Мамлакатингизнинг ўтмиши жаҳон тамаддунининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган воқеа-ҳодисалар ва шахсларга бойдир», деди у.

Ж.К. Бодэннинг фикрича, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб, чуқурлашиб бормоқдаки, Тошкентда Европа Иттифоқининг Делегацияси очилиши бундан далолат беради.

Европа Иттифоқининг эстониялик вакили Миссию Ли 2011 йилда Ўзбекистонга келгани ва мамлакатимиз унда унутилмас таассуротлар қолдирганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон беқиёс сайёҳлик салоҳиятига эгадир. «Ўзбекистон – Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкент сингари бутун оламга машҳур тарихий шаҳарлар жойлашган мамлакат бўлиб, мазкур шаҳарлар бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб қилиш кучига эга бўлгани ҳолда жаҳон сайёҳлик саноатининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда», деди М.Ли.

Шунингдек, ушбу кўргазма доирасида ўзбекистонлик халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган сўзаналар, зардўзлик маҳсулотлари, Фиждувон, Риштон ва Хоразм кулолларининг қўлларида сайқал топган турли сопол буюмлари ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» АА
Брюссель

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикаси қонунлари кучга кириши муносабати билан семинар ташкил этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Бухорода ташкил этилган семинар юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш масалаларига бағишланди. Тадбирда сенаторлар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.
- «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг Қашқадарё вилояти ваколатхонаси иштирокида Қарши туманидаги «Боғобод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Моҳир қўллар» ўқув маркази очилди.
- Хоразм Маъмун академиясида воҳанинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятда туризмни янада ривожлантириш борасидаги истиқболли вазифалар ҳақида сўз борди.
- Самарқанд вилояти Перинатал маркази капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 1 миллиард 785 миллион сўм ажратилди. Замонавий қиёфа касб этган мазкур муассаса 156 миллион сўмлик қўшимча тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

- Халқаро валюта жамғармаси 17 июнда сайловлар бўлиб ўтгунига қадар Греция билан ҳамкорлик алоқаларини тўхтатди.
- Япония ўз тарихида илк бор хорижнинг тижорат йўналишидаги сунъий йўлдошини учирди.
- Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 2,26 долларга ошиб, бир баррели 107,49 долларни ташкил этди.
- Покистонда мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларининг иккита самолёти ўқув-машғулот пайтида тўқнашиб кетди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, Хайбер-Пахтунхва туманининг Наушер шаҳри ҳудудида рўй берган ушбу бахтсиз ҳодиса оқибатида тўрт учувчи ҳалок бўлган. Хабарларга кўра, ушбу ҳаво кемаларининг бири фалокатдан сўнг турар жой биноси устига қулаган. Бунинг оқибатида оддий одамлар ҳам жабр кўрган.
- АҚШ космонавтлари очиқ фазода – вазнсизлик ҳолатида ҳам ичимлик ичиш мумкин бўлган дастали пиёла яратди. Ушбу пиёла шакли жиҳатидан сув томчисини эслатади. Ихтирочиларнинг айтишича, мазкур янги идишнинг қиррали бурчаги пиёла тўнтарилганида ҳам суюқлик тўкилмаслигини таъминлайди.
- Франциялик олимлар қон таркибини текширувчи янги мослама яратдилар. Нур орқали текширадиган мазкур ускуна жуда кичик қон томирларидаги микроэлементларни ҳам аниқлаш хусусиятига эга. Шифокорларнинг сўзларига кўра, янги ускуна мияга қон қуйилиши оқибатида юзага келадиган касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида узлуксиз экологик таълим тизимининг илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда узлуксиз экологик таълимнинг истиқболлари, бу жараёндаги илмий-педагогик масалалар, малакали эколог мутахассисларни ва илмий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, экотуризмни ривожлантиришда етук мутахассисларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида мусаввир Азиза Маматованинг «Вақт ва инсон» мавзуидаги бадиий кўргазмаси очилди. Кўргазмада ижодкорнинг буюк аждодларимиз, адабиёт, санъат ва маданият намояндаларининг сиймоси акс эттирилган асарлари намойиш этилмоқда.

✓ **ЭРТАГА** «Редиссон» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг ОАВлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади.

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ НАМОЙИШИ

Аскар Ёхубов (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

«BestSoft – Uzbekistan – 2012» кўргазмаси кенг жамоатчилик ва ахборот технологиялари мутахассисларини мамлакатимиздаги дастурий таъминот соҳасига оид лойиҳаларни яратиш ҳамда амалга ошириш амалиёти билан таништиради. Бу ерда республикамиз софтвер саноатининг бизнес жамоатчилиги вакиллари ва кенг аҳоли қатламларига мўлжалланган барча мавжуд ҳамда истиқболли ютуқлари намойиш этилаётир.

Форум мутахассислар томонидан софтвер саноатининг долзарб масалаларини ўртага ташлаш ва муҳокама қилиш, бўлажак буюртмачилар хабардорлигини ошириш ҳисобидан бизнес-ни ривожлантириш бўйича яқин амалий муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда истиқболдаги янги вазифаларни белгилаш учун ўзига хос очиқ майдон вазифасини ўтамоқда.

Экспозициянинг асосий қисмини лойиҳаларни ишлаб чиқиш воситалари, уларни амалга ошириш, таълим, ахборот хавфсизлиги, мультимедиа, дизайн ва бошқа йўналишлар бўйича стендлар ташкил этади.

Экспонентлар орасида самарали фаолият юритаётган «Uzinfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилиш марказини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг мутахассислари мамлакатимиз фойдаланувчиларига илғор ахборот технологияларини қўллаш орқали бизнес самарадорлиги, бошқарув ва рақобатбардошлик даражасини ошириш, бу борада дунёда етакчи ўринларга чиқишга кўмаклашмоқда. Сўнгги йилларда корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, хусусий тузилмалар учун кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, марказ ZiyoNET ижтимоий-таълим тармоғи, www.uz миллий ахборот-қидирув тизимини ишлаб чиқиш, Desk.uz ахборот бошқарувига хизмат кўрсатиш, «UZ» миллий домен зонасини маъмурлаштириш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланди.

– Жорий йилда қўлланилаётган дастурий таъминотни модернизация қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратмоқдамиз, – дейди «Intelligent Solutions» компанияси менежери Тоҳира Солиҳова. – Масалан, Зарафшон шаҳар ҳокимлигида синовдан муваффақиятли ўтган веб-иловаларни ишлаб чиқиш борасида ISDocFlow ҳужжатлар ва иш юритиш жараёнларини бошқариш тизими такомиллаштирилди. Доимий мижозимиз бўлган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ҳаво йўналишлари бош агентлиги – «Intelligent Solutions» агентлари ва субагентлари томонидан авиачипталарни сотишни назорат қилиш учун мўлжалланган тизим жорий этилди.

«Bisoft Multimedia» компанияси комплекс ечимлар ва лойиҳалаштириш, сенсор дўконларни ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун махсус қурилмалар – мониторлар, экранлар, картридерлар, купюралар қабул қилувчи ускуналар, принтерларни таклиф этмоқда. Унинг мутахассислари «БИС» тизими асосида омборхона бухгалтерлик ҳисоби учун дастурий таъминот, шунингдек, «Ақлли уй» автоматика тизимини тақдим этмоқда.

«Sen-soft» компанияси корхонани бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш билан шуғулланади. Профессионал дастурий таъминот бухгалтерлик ҳисоби – «SNS-баланс», иш ҳақини ҳисоблаш – «SNS-маош», кадрлар ишини автоматлаштириш – «SNS-кадрлар» тизими ва бошқа дастурларни ўз ичига олган. Дастурчиларнинг фикрича, ушбу дастурлардан фойдаланиш солиқларни оптималлаштириш орқали корхона даромадини ошириш, имтиёзларни қўллаш ва ҳисоб-китобларда камчиликларни бартараф этиш имконини бермоқда. Кўргазманинг бошқа иштирокчилари ҳам эътиборга лойиқ ишланмаларни намойиш этмоқда.

Кўргазма доирасида семинарлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, тақдимот дастурлари намойиши бўлиб ўтади, тармоққа оид энг сўнгги ютуқларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашинилади. Софтвер саноатини ривожлантиришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалаларига бағишланган бўлажак давра суҳбати ҳам мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбир доирасида, шунингдек, «Дастурий таъминот – йил маркаси», «IT-таълим соҳасидаги энг яхши компания», «2011 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа», «Дастурий таъминот соҳасидаги энг яхши талабалар ишланмаси» номинациялари бўйича республика танловининг ғолиблари тақдирланади.

Бундан ташқари, кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Ишга жойлашиш ва касбга йўналтириш бўйича бўш иш ўринлари ярмаркаси шулардан биридир. Ярмаркада қатнашадиган ўнлаб компаниялар иш излаётган ёшларга ахборот технологиялари соҳасидаги истиқболли йўналишларни таклиф этади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

ЭНДОКРИНОЛОГИЯДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимизда эндокрин касалликларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш услубларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон эндокринологлар ва диабетологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар, шифокорлар ҳамда Россия ва Украинадан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов ва бошқалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори асосида юртимизда ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари тармоғи тобора кенгаймоқда. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази ана шундай замонавий шифо масканларидан биридир.

Ушбу марказда йилига ўн минг нафардан кўпроқ беморга поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Марказ ҳузурида ташкил этилган тиббий маслаҳат мактабларида диабет ва бошқа эндокрин касалликларининг олдини олиш, салбий асоратларини камайтириш, соғлом турмуш тарзи талаблари юзасидан машғулотлар ўтказилмоқда.

Марказ олимлари даволаш ва тиббий-профилактика ишлари билан бир қаторда жаҳон тиббиётининг долзарб муаммолари, уларни бартараф этиш услублари бўйича илмий изланишлар ҳам олиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўнга яқин давлат гранти асосида ана шу йўналишда йод танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш, қандли диабет профилактикаси ва даволашнинг самарали услубларини яратиш, нейроэндокринологиянинг долзарб йўналишлари, репродуктив саломатликни муҳофазалаш каби йўналишларда юқори натижаларга эришилаётир. Бу жараёнда дунёдаги етакчи илм-фан марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Украина тиббиёт фанлари академиясининг эндокринология ва модда алмашинуви институти ана шундай ҳамкорлардан биридир.

– Мамлакатингизга тўртинчи бор келишим, – дейди мазкур институтнинг эндокрин касалликлари фармакотерапияси бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Вадим Карпачов. – Ўзбекистонда тиббиёт, жумладан, эндокринология соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлардан яхши хабардорман. Ўзаро ҳамкорлигимиз диагностика ва даволашда янги услубларни яратиш, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ушбу анжуманда мамлакатингиз олимларининг бу йўналишдаги кўплаб муҳим ихтиролари ва тажрибалари билан танишдик.

Анжуман доирасида қандли диабет хасталигини даволаш борасидаги замонавий технологияларга бағишланган маҳорат мактаби машғулотлари ўтказилди. Тадбирда эндокринология ва диабетология соҳасидаги илмий-амалий янгиликлар, қандли диабетнинг олдини олиш, профилактика ишларини ташкил этиш, касалликларни даволашда қўлланилаётган янги дори-дармон ва тиббий технологияларга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, янада қулай шарт-шароит яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унга солиқ имтиёзлари бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманлар

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҚЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Солиқ сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масалалари»га бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Унда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида қонун ҳужжатлари асосида берилаётган солиқ имтиёзлари ва афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар ва солиқ имтиёзлари бўйича кейинги пайтларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Одилхон Рустамов. — Жумладан, 2012 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробарга камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга туширилди. Биргина 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида, улар ихтиёрида қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга сарфлаши учун имкон яратилди. Жорий йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юки сезиларли даражада камайтирилиб, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда имтиёзлар ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлаш, касаначиликнинг турли шаклларини ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигининг таъминланиши режалаштирилган. Бу эса бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Анжуман давомида бир қанча янги, шу жумладан Давлат солиқ қўмитасида 16 турдаги интерактив хизматлар кўрсатиш жорий қилинганлиги, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш бирлан бир қаторда интернетдаги www.soliq.uz сайтида солиқ тўловчига ўзининг СТИР рақамини киритиш орқали, солиқлар тўғрисида барча маълумотларни олиш имконияти яратилгани ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбиркорлик субъектлари кенг имкониятлардан унумли фойдаланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан уларга зарур қулайликлар яратилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 2012 йил 2 майда яна бир муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири тасдиқланди. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан 5 нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди. Қонуннинг 11-моддасига кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципига амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши мустаҳкамланган.

Бундан ташқари Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан рағбатлантирилишида солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш орқали амалга оширилиши ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу қонун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга ва янада рағбатлантиришга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, жумладан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қулай шарт-шароитлар ва енгилликларнинг яратилиши мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишида ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги асосий омилидир.

Матбуот анжумани иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

МЕДИА-МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Кейинги йилларда пойтахтимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, янада гўзал чирой очмоқда. Бунда, шубҳасиз, архитектура-қурилиш бўйича яратилаётган меъморий лойиҳалардан кенг фойдаланилмоқда.

«Тошгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси тақдим этаётган лойиҳалар бунёдкорлик ишлари учун асос бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида эслатиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси буюртмаси билан юзага келган лойиҳалар ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Жумладан, компаниянинг янги Медиа-марказини бунёд этишда энг замонавий архитектура усули қўл келди. Эндиликда мазкур марказда бир неча павильонлар жойлашди. Янги ташкил этилган студиялар телевизион дастурлар ва эшиттиришларни тасвирга туширмоқда.

Медиа-марказ лойиҳаси учун тайёрланган чизмалар «Тошгипрогор»нинг муҳандис-лойиҳачиси Михаил Пакнинг ижодий маҳсули бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйида республика бўйича ўтказилаётган «Ниҳол — 2012» кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичи бўлиб ўтди. Унда ёши 17 дан 25 гача бўлган, туман маҳаллаларида яшовчи ҳамда тумандаги коллеж, лицей ва олийгоҳларда таълим олиб меҳрини, қалбини санъатга бахшида этишни ихтиёр этган иқтидорли, санъатсевар 18 нафар йигит-қизлар иштирок этди.

Танловлар

САНЪАТСЕВАР ЁШЛАР МАҲОРАТИНИ КЎРСАТДИ

Шоир Дониёр Мирзо, «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси ходими Қобилжон Йўлдошев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимидан масъул Зебохон Бобожонова, туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Шарофиддин Худойқулов, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармасидан Шамсиддин Қодиров ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Муҳаммаджон Шокировлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг маҳоратини холисона баҳолаб борган кўрик-танлов кўтаринки руҳда ўтди.

Кўрик-танлов якунига кўра эстрада йўналишида Анвар Эргашев, опера йўналиши бўйича Азиза Муҳаммедова, мумтоз қўшиқчилик соҳасида «Қалдирғоч» гуруҳи аъзолари, чолғучилик ва рақс йўналишларида Саидаҳмадхўжа Турсунхўжаев ва Шоҳруҳ Ғофуровлар ғолиб деб топилиб, шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Ғолиб ва совриндорларга «Камолот» ЁИҲ ва туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Насриддин ҚУРБОНОВ,
А.Қодирий номли маданият уйи раҳбари

18 май — Халқаро музейлар куни

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан «Бизнинг мерос. Ўзбекистон санъати усталари» мавзуида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, бадиий-эстетик дидини тўғри шакллантиришда музейлар фаолиятини давр талабига мос тарзда йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. «Музейлар тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий тасвирий ва амалий санъатимиз равнақи йўлида кўп йиллар самарали меҳнат қилган атоқли мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста ва ҳунармандларнинг энг сара асарлари бугунги кунда юртимиздаги санъат, этнография, тарих ва бошқа маърифий йўналишдаги музейларнинг бебаҳо мулкига айланган. Улар санъатимизнинг ривожланиш босқичлари, ижодий жараёнлар, мусаввирларнинг ҳаёти, фаолияти, мавзуга ёндашуви ҳақида қимматли маълумотлар берувчи муҳим манбадир.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Бизнинг мерос» туркумидаги лойиҳаси доирасидаги ушбу кўргазмада мамлакатимиз атоқли мўйқалам соҳибларининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланаётган нодир асарларидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

(ЎзА)

Алоқа

КОРХОНА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида юртимизда рақамли коммутация тизими ривож топди. Бу эса мамлакатимиз аҳолисига дунёга телефончилар иштирокисиз, автоматик тарзда уланиш имконини берди. «Бош коммутация маркази» филиалида транспорт тармоғи, телеграф алоқаси тараққий эттирилиб, янги асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Замонавийлаштирилган корхоналардан бири сифатида фаолият кўрсатаётган марказда техника ижодкорлигига ҳам жиддий муносабатда бўлинмоқда. Зеро, корхонада ихтирочилик таклифлари билан иш юритаётган мутахассислар талайгина.

Аппарат цехидаги электромеханиклар изланишлари айниқса таҳсинга сазовордир. Ушбу цехни вилоят марказлари билан узлуксиз боғловчи радиоканаллар чизмаси ҳам энг яхши рационализаторлик иши деб баҳоланди. Ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган бу янгилик корхонага катта иқтисодий фойда келтирди.

«Тармоқ алоқа хизмати пульти» деб номланган техника ижодкорлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган танловда муносиб тақдирланди. Яроқсиз ҳолга келган аппаратларни янги, замонавийси билан алмаштиришга эришилди. Натижада кўплаб меҳнат жараёнлари автоматлаштирилди.

Анвар ВАЛИЕВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 21

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Олам ва одам» дастури: «Табиат мўъжизалари».
7.15 «Иклим».
7.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.30 «Уй юмушлари». Т/с.
8.00 «Ахборот».
8.40 – 9.45 «Маънавият» дастури.
9.45 «Моҳир қўллар».
10.00 «Минг бир ривоят».
10.05 «Ҳидоят сари».
10.25 «Саломатлик сирлари».
10.40 «Ҳаёт тилсими».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.00 «Ватанпарвар».
13.45 «Қорачиқ».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Оғуфурушнинг сўнгги манзили».
14.40 Миллий кино: «Сукунат».
15.50 «Иклим».
15.55 «Стандарт ва сифат».
16.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Қирол Сежонг». Т/с.
17.50 «Ифтихор».
17.55 «Иклим».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.10 «Ватан манзиллари».
18.25 «Икки дугона». Т/с.
19.20 «ТВ – шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Мен ёшликман».
21.55 «Маликанинг маҳбуби». Т/с.
22.40 «Иклим».
22.45 «Жажжи Доррит». Т/с.
23.40 «Олам ва одам» дастури: «Табиат мўъжизалари».
23.55 – 00.00 «Очун».
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Моҳир қўллар».
00.15 «Ҳаёт тилсими».
00.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ёзув маданияти тарихи».
00.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 – 2.35 «Маънавият» дастури.
2.35 «Иклим».
2.40 «Мен ёшликман».
2.55 «Олтин мерос».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
5.15 «Ватан манзиллари».
5.30 «Икки дарё оралиғида».
5.50 – 5.55 «Очун».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
7.00 «Мультипанорама».
7.30 «Йўл-йўлакай».
7.50 «Ёшлик наволари».
8.10 «Капитан Немо». Б/ф. 1-қисм.
9.20 «Кувноқ алифбо».
9.50 «Оила – меҳр булоғи».
10.00 «Давр хафта ичида».
10.30 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
11.10 «Кулол ва гўзал». Ҳ/ф.
11.30 «XXI аср технологиялари».
11.50 «Қишлоқ тараққиёти».
12.10 «Кетма-кетлик». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Ёшлик наволари».
13.30 «Кўмондон». Т/с.
14.30 «До-ми-соль».
15.00 «Мультипанорама».
15.10 «Само жанги». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 Миллий сериал: «Мехмонжонлардан айланай».
16.50 «Мўъжизавий дунё».
17.20 «Ўғирланмаган келин». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сўнмас севги». Т/с.
20.10 «Кўзмунчоқ».
20.40 «Тинчлик – улуғ неъмат».
20.50 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
21.40 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 «Кўмондон». Т/с.
23.30 «13-студия».
00.00 «Ватан меҳри».
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Само жанги». Т/с.
1.20 «Давр».
2.30 Миллий сериал: «Мехмонжонлардан айланай».
3.10 «Илҳом қанотлари».
3.50 «Анна Каренина». Б/ф. 1-қисм.
5.00 – 6.00 «Yoshlar-FM».

Тошкент

6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 «Ливерпуль» тарихи»
7.25 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 АНОНС.
8.35 «Саломат бўлинг!»
8.55 АНОНС.
9.00 ФУТБОЛ. ОЛИЙ ЛИГА. «НАСАФ» – «НАВБАҲОР».
10.40 АНОНС.
10.45 Мотоспорт.
11.35 АНОНС.
11.40 Сувга сакраш. Европа чемпионати.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
13.35 АНОНС.
13.40 Велоспорт.
14.45 АНОНС.
14.50 Футбол. Италия кубоги. Финал. «Ювентус» – «Наполи».
16.35 «Баркамол авлод».
16.55 АНОНС.
17.00 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
17.25 АНОНС.
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 Навоий «Умид ниҳоллари-2012» арафасида.
17.55 Футбол. Олий лига. «Пахтакор» – «Қизилқум». Тўғридан -тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Спорт – маркет».
19.50 Муайтай. Ўзбекистон чемпионати.
20.40 «Футбол шарҳи».
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Навоий «Умид ниҳоллари-2012» арафасида.
21.55 ИнтерФутбол.
23.40 Сешанба дастури анонси.
23.50 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Автоспорт.
2.15 АНОНС.
2.20 «Баркамол авлод».
2.40 Велоспорт.
3.45 Сувга сакраш. Европа чемпионати.
5.00 – 5.50 Мотоспорт.

ntt

06:00 «24: Ўзбекистон» ахборот блоки
06:15 «Асрлар садоси» дастури
07:00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
07:15 Болалар мусиқаси
07:30 Информацион блок
07:50 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блок
08:00 Мусиқа вақти дастури
08:30 «Форум хабарлари» кўрсатуви
09:00 «24: Ўзбекистон» ахборот блоки
09:10 «Мангу севги» т/с (34-қисм)
09:50 «Бизнес промо»
10:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блоки
10:10 «Алданган аёл» б/ф
11:45 «Мусиқа вақти» дастури
12:00 «24: Ўзбекистон» ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 «Интервью»
12:30 «Тошойна» кўрсатуви
13:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блоки
13:10 «Қора олтин» б/ф
15:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блоки
15:10 Ёшлар студияси: «Келажак билан юзма-юз» кўрсатуви
15:20 Ҳужжатли фильм
15:45 «Мусиқа вақти» дастури
16:00 «24: Ўзбекистон» ахборот блоки
16:10 «Клон» т/с (34-қисм)
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Форум хабарлари» кўрсатуви
17:15 «Золотой фонд узбекской живописи»
17:30 Форум вақти
18:00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
18:10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф
18:30 «Мангу севги» т/с (35-қисм)
19:00 «Мусиқа вақти» дастури
19:20 «Бизнес промо»
19:30 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блоки
19:40 «Клон» т/с (35-қисм)
20:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Яхши кайфият» кўрсатуви
21:30 «Тезлик» б/ф /премьера/
23:45 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информацион блоки
23:50 «Мусиқа вақти» дастури
00:00 Тунги кинозал: «Волшебная страна» б/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.05 Контрольная закупка
08.30 «Жить здорово!»
09.30 Модный приговор
10.25 «Хочу знать»
11.15 Сериал «Женский доктор»
12.05 Сериал «Обручальное кольцо»
13.00 Другие новости
13.20 Понять. Простить
14.25 Сериал «Девичья охота»
15.20 «Между нами, девочками»
16.00 «Жди меня»
17.00 Вечерние новости
17.50 «Давай поженимся!»
18.50, 02.05 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30, 03.00 Сериал «Побег»
21.25 Среда обитания. «Пикник на обочине»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.10 «В контексте»
00.00 Худ. фильм «Гонки без финиша»

Россия

05:00 «Утро России».
09:00 «С новым домом!». Ток-шоу.
09:45 «О самом главном». Ток-шоу.
11:00 Вести.
11:30 Местное время. Вести-Москва.
11:50 Вести. Дежурная часть.
12:00 «Кулагин и партнеры».
13:00 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
14:00 Вести.
14:30 Местное время. Вести-Москва.
14:50 «Ефросинья. Таёжная любовь». Телесериал.
15:45 «Кровинушка». Телесериал.
16:45 Вести. Дежурная часть.
17:00 Вести.
17:30 Местное время. Вести-Москва.
17:50 Людмила Артемьева, Анатолий Васильев, Татьяна Кравченко и Федор Добронравов в телесериале «Сваты».
18:55 «Прямой эфир».
20:00 Вести.
20:30 Местное время. Вести.
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
21:00 Русская серия. Премьера. Артур Смольянинов, Ольга Арнтгольц, Евгения Добровольская, Владимир Симонов, Эвелина Блёданс, Полина Филоненко и Леонид Громов в телесериале «Самара».
23:50 Премьера. «Городок».
00:50 «Вести+».
01:10 «Профилактика». Ночное шоу.
02:20 Ночной сеанс. Остросюжетный фильм «Стая» (США). 1977г.
04:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.

НТВ

04:55 Информационный канал «НТВ утром».
07:30 Сериал «Литейный».
08:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
09:00 Сегодня.
09:20 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю.
09:55 «До суда».
11:00 Суд присяжных.
12:00 Сегодня.
12:30 Премьера. Сериал «Возвращение Мухтара».
14:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15:00 Сегодня.
15:25 «Прокурорская проверка».
16:40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Закошанским.
17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18:00 Сегодня.
18:30 Премьера. Алексей Кравченко, Сергей Жарков, Вадим Каллат в детективном сериале «Братья».
20:25 Премьера. Остросюжетный сериал «Мент в законе».
22:15 Сегодня. Итоги.
22:35 Честный понедельник.
23:25 «Школа злословия». Ток-шоу Татьяны Толстой и Авдотьи Смирновой. Сергей Самсонов.
00:10 Главная дорога.
00:45 Центр помощи «Анастасия».
01:35 «В зоне особого риска».
02:05 Сериал «Без следа» (США).
03:55 Детективный сериал «Знаки судьбы».

ЧОРШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Олам ва одам» дастури: «Табиат мўъжизалари».
7.15 «Иклим».
7.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.30 «Уй юмушлари». Т/с.
8.00 «Ахборот».
8.40 – 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Менинг боғим».
9.55 «Ёшлар ёди».
10.15 «Сизнинг адвокатингиз».
10.20 «Маликанинг маҳбуби». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Жажжи Доррит». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.00 «Икки дугона». Т/с.
13.50 «Кун мавзуси».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Дилҳуш наволар». А. Икромов.
14.35 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
15.10 «Иклим».
15.15 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Қирол Сежонг». Т/с.
17.50 «Ифтихор».
17.55 «Иклим».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.10 «Тарих кўзгуси».
18.30 «Икки дугона». Т/с.
19.20 «ТВ – шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Маликанинг маҳбуби». Т/с.
22.45 «Иклим».
22.50 «Жажжи Доррит». Т/с.
23.40 «Олам ва одам» дастури: «Табиат мўъжизалари».
23.55 – 00.00 «Очун».
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Тарих кўзгуси».
00.25 «Менинг оилам».
00.45 «Иклим».
00.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 – 2.20 «Маънавият» дастури.
2.20 «Ўйла, Изла, Топ!»
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
5.15 «Олтин мерос».
5.25 «Иклим».
5.30 «Икки дарё оралиғида».
5.50 – 5.55 «Очун».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
7.00 «Мультипанорама».
7.30 «Йўл-йўлакай».
7.50 «Ёшлик наволари».
8.10 «Капитан Немо». Б/ф. 3-қисм.
9.20 «Катта танаффус».
9.50 «Хайр, мактабим!»
10.00 «Давр».
10.10 «Спортимиз юлдузлари».
10.30 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
11.10 «Сехрли қўллар».
11.50 «Оила тилсими».
12.10 «Сўнмас севги». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Ёшлик наволари».
13.30 «Кўмондон». Т/с.
14.30 «Кувноқ алифбо».
15.00 «Мультипанорама».
15.10 «Само жанги». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 Миллий сериал: «Мехмонжонлардан айланай».
16.50 «Мўъжизавий дунё».
17.20 «Никох тумори». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сўнмас севги». Т/с.
20.10 «Рўзғор мактаби».
20.40 «Тинчлик – улуғ неъмат».
20.50 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
21.40 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 «Кўмондон». Т/с.
23.30 «13-студия».
00.00 «Ватан меҳри».
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Само жанги». Т/с.
1.20 «Давр».
2.30 Миллий сериал: «Мехмонжонлардан айланай».
3.10 «Илҳом қанотлари».
3.50 «Дерсу Узала». Б/ф. 2-қисм.
5.00 – 6.00 «Yoshlar-FM».

Тошкент

6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 «Кувнок дақиқалар».
6.20 «Жўмонг». Т/с. 73- қисм.
7.00 «Пойтахт».
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 «Ўйларим».
8.50 «Икки тақдир». Т/с. 204-қисм.
9.10 «Интервью».
9.20 «Интеллектуал аукцион».
9.30 «Пойтахт».
9.40 Миллий сериал: «Антиқа қуёв». 8-қисм.
10.10 «Бизнес- пойтахт».
10.15 «Саньатимиз хазинасидан».
